

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМЛИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАХРИЕВА ЗЕБУНИСО ДЖАЛОЛИДИНОВНА

**САЛМОНЕЛЛА ТУРИГА ВА КЛИНИК КЎРИНИШЛАРИГА БОҒЛИК
ТАРЗДА АНТИМИКРОБ ПРЕПАРАТЛАРНИ РАЦИОНАЛ ҚЎЛЛАШ**

14.00.10 – Юқумли касалликлар

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бахриева Зебунисо Джалолидиновна

Сальмонелла турига ва клиник кўринишларига боғлиқ тарзда антимикроб препаратларини рационал қўллаш 3

Бахриева Зебунисо Джалолидиновна

Рациональное использование антимикробных препаратов в зависимости от вида сальмонелл и форм клинических проявлений..... 31

Bakhrieva Zebuniso Djalolidinovna

Rational use of antimicrobial drugs depending on the salmonella and forms of clinical manifestastion..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publishe works 64

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМЛИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАХРИЕВА ЗЕБУНИСО ДЖАЛОЛИДИНОВНА

**САЛМОНЕЛЛА ТУРИГА ВА КЛИНИК КЎРИНИШЛАРИГА БОҒЛИК
ТАРЗДА АНТИМИКРОБ ПРЕПАРАТЛАРНИ РАЦИОНАЛ ҚЎЛЛАШ**

14.00.10 – Юқумли касалликлар

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/Tib4015 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб саҳифасида жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:	Мирзажонова Доноҳон Баҳодировна тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Мирзоева Меҳринисо Ризоевна тиббиёт фанлари доктори Эсауленко Елена Владимировна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй, Вебсайт: www.bsmi.uz, E-mail: info@bsmi.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй, Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: info@bsmi.uz).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ж.Тешаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Қ.Дўстова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.Р.Облокулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳар йили сальмонелла инфекцияси билан ўн миллионлаб инсонларни зарарланиш ҳолатлари кузатилмоқда, юз мингдан ортиқ ҳолатларда касаллик ўлим билан тугайди. Бугунги кунга қадар *Salmonella* нинг 2500 дан ортиқ турли штаммлари аниқланган. ЖССТ нинг маълумотларига кўра, «... сўнгги ўн йил ичида сальмонеллэз билан касалланиш даражаси бутун дунёда кўтарилган. Сўнгги йилларда замонавий кўплаб антибиотикларга ҳамда дезинфекцияловчи моддаларга, юқори ҳароратга турғун бўлган сальмонелла серотиплари кенг тарқалган»¹. Сальмонеллэзни *Salmonella* бактерияси келтириб чиқаради, бу инфекция озиқ-овқат орқали келиб чиқадиган энг кенг тарқалган ва кўп учрайдиган касалликлардан биридир. *Salmonella* ҳамма жойда тарқалган ва турғун бактерия бўлиб, қуруқ муҳитда бир неча ҳафта, сувда бир неча ой яшайди. Шунга кўра, Самарқанд вилоятида рўйхатга олинган ўткир ичак инфекциялари орасида сальмонеллэз улушини аниқлаш, замонавий босқичда болаларда касалликнинг кечиш хусусиятлари, ташхис усулларини, кўзғатувчини микробга қарши дориларга (МКД) нисбатан турғунлигини ўрганиш долзарб ҳисобланади. Шу жиҳатдан, Самарқанд вилоятида болалар орасида сальмонеллэз билан касалланиш даражасини ўрганиш, ташхис усулларини такомиллаштириш, МКД турғунлигини ўрганган ҳолда даволаш тадбирларини такомиллаштириш амалий тиббиётнинг устувор йўналишлари бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда сальмонеллэз билан касалланганларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилган тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, умумий ўткир ичак инфекциялари орасида сальмонеллэз билан касалланишнинг улушини ўрганиш; замонавий босқичда касалликнинг клиник хусусиятларини ўзига хослигини аниқлаш; кўзғатувчининг МКД ларга нисбатан турғунлигини ўрганиш, ташхис усулларини такомиллаштириш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатишни ривожлантириш ҳамда жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, юқумли касалликларни хусусиятлари, жумладан ичак инфекцияларини ташхисоти, даволашда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, «...соғлиқни сақлаш тизимида давлат бошқарувини такомиллаштириш, бирламчи бўғинни касалликларни эрта аниқлайдиган ва даволайдиган тизимга айлантириш, рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш, соҳа ривожланишининг яқин ва узоқ муддатли истиқболларини белгилаш, тиббий хизматлар ҳажмини ошириш ва сифатини тубдан яхшилаш, рақобат ва хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, тиббиёт ходимларининг билимини ошириш, таълим ва илм-фанни

¹ World Health Organization. Report of the third global meeting of the partners for parasite control. Deworming for Health and Development Geneva, 29–30 November 2020.

ривожлантириш»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда, болаларда сальмонеллез касаллигининг клиник белгиларини замонавий босқичда ўрганиш, ташхис усуллари ва даволашни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида сальмонеллез билан касалланиш даражаси юқориликча қолмоқда, шунинг учун улар ҳозирги кунга келиб ҳам юқумли касалликлар патологиясида долзарб муаммо ҳисобланади (Милютин Л.Н., 2021).

Kim, S.L. ва ҳаммуаллифлар (2022) Африкада сальмонеллез билан касалланишни ўрганиб, Африкада НТС-инфекцияси эндемик бўлиб, асосан болаларда бактериемиянинг асосий сабабчиси эканлиги, йилига 4100 киши ушбу инфекциядан вафот этиши хулосасига келишган. Африкада НТС-инфекциясининг учраш даражаси ҳамда болаларни тўйиб овқатланмаслиги, безгак ва ОИВ-инфекциясининг учраш даражаси ўртасида ўзаро боғлиқликни аниқлаган. Pulford, C.V. ва ҳаммуаллифлар (2021) Кенияда ўтказган тадқиқотига кўра, *S. enteritidis* ва *S. typhimurium* учраш даражаси уй шароитида ҳайвонларни етиштириш билан боғлиқ бўлмаган, аммо, жўжаларни етиштириш *S. Typhi* нинг кенг тарқалишига олиб келган. *Salmonella Typhimurium* ва *Enteritidis* идишларда сув сақлаб қўядиган оилаларнинг фарзандлари орасида кўп кузатилган.

Милютин Л.Н. (2021) 20-асрнинг 80-йиллари ўрталаридан бошлаб илгари ҳукмрон бўлган *S. Typhimurium* ўрнига *S. Enteritidis* етакчи ўринга чиққанини таъкидлаб, Сальмонеллез мониторинги бўйича Россия маълумот

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарори.

марказининг маълумотларига кўра, сўнгги йилларда Россия Федерациясининг аксарият худудларида касал одамлардан ҳам, ҳайвонлардан ҳам, атроф-муҳит объектларидан ҳам ушбу кўзгатувчи тури энг кўп ажратилган. Горелов А.В. (2018) ҳам ўз тадқиқотларида сальмонеллэзнинг эпидемик чакнашларининг 70,8 - 96,7% *S. Enteritidis* сабаб бўлишини аниқлаган.

Pérez-Rodríguez ва ҳаммуаллифларнинг (2019) таъкидлашича, кўплаб МҚД ларга нисбатан қаршилиқ кўрсатадиган сальмонелла серотипларини пайдо бўлиши сальмонеллэзни даволаш чораларига сезиларли таъсир кўрсатди. МҚД га нисбатан турғун сальмонелла штамлари турғун бўлмаган штамларга қараганда оғирроқ кечади ҳамда ўлим билан яқунланиш даражаси юқори бўлади.

Karen L. Tang ва ҳаммуаллифлар (2017) 2013-2021 йилларда мувофиқ равишда 13 ва 11 та мамлакатларида яшовчи беморлардан ажратиб олинган изолятларни ўрганиб, улар ампициллин ва тетрациклинга нисбатан турғунлигини пасайиш тенденциясига эга эканлигини ҳамда бу чўчка ва бузоқ гўштларида *S. typhimurium* серотипи тарқалишининг пасайиши билан боғлиқлигини аниқлашган. 2021-йилда беморлардан ажратиб олинган сальмонелла изолятларининг турғунлик даражаси ўртача бўлган (14,9%), бунда энг паст даража *S. typhimurium* (7,6%) ва *S. Typhimurium* нинг монофаза вариантыда (8,9%) кузатилган, ўта юқори даража — *S. infantis* (33,9%) ва *S. Кентукки* (78,1%) бўлган.

Ўзбекистон Республикасида МҚД ларига нисбатан турғун сальмонелла штамлари бўйича маълумотлар адабиётларда кам келтирилган. Абдухалилова Г.К. ва ҳаммуаллифларнинг (2016) таъкидлашича, ўткир ичак инфекциялари билан касалланган беморлардан ажратиб олинган *S. Typhimurium* штамлари тиббиёт учун муҳим бўлган β-лактамазлар (100,0%) ва фторхинолонларга (налиндиксон кислотаси 100,0%) нисбатан турғун. Бундан ташқари, *S. Typhimurium* штамлари полирезистентлиги билан ажралиб турган.

Шу туфайли Самарқанд вилояти мисолида Ўзбекистон Республикасида сальмонеллэз билан касалланиш даражасини, беморлардан ажратиб олинган штамларни МҚД ларга нисбатан турғунлигини аниқлаш, замонавий босқичда сальмонеллэзни болаларда кечиш хусусиятни ўрганиш, ташхис усулларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш долзарбдир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий- амалий тиббиёт марказининг илмий ишлари режасига мувофиқ равишда бажарилган (2019-2023 йй).

Тадқиқотнинг мақсади сальмонелланинг тури ва клиник шаклига мувофиқ равишда микробга қарши дориларни рационал қўллашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Самарқанд вилоятида рўйхатга олинган ўткир ичак инфекциялари ўртасида сальмонеллез улушини аниқлаш, Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятида аниқланган ўткир ичак инфекциялари ПЗР натижаларини таҳлил қилиш;

Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятида аниқланган сальмонеллаларнинг антибиотикларга нисбатан турғунлигини аниқлаш;

замонавий босқичда сальмонеллезнинг клиник кечиш хусусиятларини аниқлаш;

сальмонеллез билан касалланган болаларда фекал кальпротектин аҳамиятини ўрганиш;

сальмонеллезни даволаш ва ташхислаш алгоритминини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Самарқанд вилояти бошқармасидан олинган 1991-2023 йилларда рўйхатга олинган ўткир ичак инфекциялари, микробиологик жиҳатдан тасдиқланган ва тасдиқланмаган ичак инфекциялари, сальмонеллез билан касалланиш ҳақидаги расмий маълумотлари, Самарқанд вилоят юқумли касалликлар шифохонасида 2018-2023 йиллар оралиғида ўткир ичак инфекциялари ташхиси билан даволанган бемор болалар (28 кундан 18 ёшгача) (n=340) олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида 340 нафар бемор болаларнинг нажаси олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга ошириш учун эпидемиологик (ретроспектив таҳлил), клиник (беморларни назоратлаш), бактериологик (нажасни экиш, антибиотикларга нисбатан турғунлигини аниқлаш), молекуляр-генетик (ПЗР), серологик (ИФТ) ва статистик усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Самарқанд вилоятида рўйхатга олинган ЎИИ ларининг фақат 1:7 қисмининг этиологик омили бактериологик текширув усули ёрдамида тасдиқланиши, этиологик омили тасдиқланган ичак инфекцияларининг ўртача 3,6% ни сальмонеллез инфекцияси ташкил қилиши асосланган;

2018-2023 йил оралиғида Самарқанд вилоятида сальмонеллез билан даволанган беморлардан ажратиб олинган *Salmonella* spp. штаммлари β-лактамазларга (жумладан цефалоспоринларнинг 3-4 авлодига) нисбатан турғун TEM ва CTX-M генетик оилаларидаги β-лактамазани ишлаб чиқарилиши билан боғлиқлиги, штаммларнинг деярли 96,0% бир хил резистентлик генотипига эгаллиги исботланган;

замонавий босқичда сальмонеллез микст инфекция кўринишида 2 тадан 5 тагача патоген микроорганизмлар ассоциациясида учраши ҳамда патоген ассоциация сони ва болаларнинг ёши ўртасида тесқари, юқори, ОИТ зарарланиш тури ўртасида юқори, тўғри корреляцион боғлиқлик мавжудлиги асосланган.

сальмонеллез билан касалланган болаларда касалликнинг оғирлик даражасини баҳолашда ҳамда микст (бактерия-бактерия) инвазия ҳолатларини ташхислашда фекал кальпротектин қиймати аҳамиятлилиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

2018-2023 йил оралиғида Самарқанд вилоятида кузатилган ўткир ичак инфекцияларининг этиологик омилени тасдиқлашда анъанавий бактериологик текшируви (7,4%) ҳамда ПЗР усулининг (94,6%) номутаносибликлари аниқланган;

2018-2023 йил оралиғида сальмонеллэз билан даволанган беморлардан ажратиб олинган *Salmonella* spp. штаммлари ўрганилган 12 та антибиотиклардан 10 тасига, жумладан тиббиётда кескин аҳамиятли β-лактам (100,0%) ва фторхинолонларга (налидиксон кислотаси - 100,0%) нисбатан турғунлиги ҳамда AMP/AMC/CXT/CAZ/NA/CPM/T/C/COT/G резистентлик фенотипига эга эканлиги аниқланган;

замонавий босқичда болаларда сальмонеллэзни оғир кечишига иситмани гектик даражада, ўртача $11,3 \pm 1,3$ кунгача давом этиши, гемоколит белгилари, 2-даражали сувсизланиш белгилари таъсир этиб, катарал белгилар етакчи ўринга чиқиши, болаларда патоген микроорганизмларни микст кўринишда келишига беморларда аниқланган йўлдош касалликлар таъсир қилиши аниқланган;

замонавий босқичда сальмонеллэзни болаларда аниқланган кечиш хусусиятларига ҳамда кўзғатувчини МКД ларга нисбатан турғунлигига асосланган ҳолда сальмонеллэзни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган ва тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда услубий жиҳатдан тўғри назарий ёндашувлар ва усуллардан фойдаланилганлик, беморларнинг етарли сони, қўлланилган ретроспектив, молекуляр-генетик, бактериологик ва статистик таҳлил усуллар, олинган маълумотларга дастурий ёндашув асосида ишлов берилганлиги, шунингдек, Самарқанд вилоят касалхонасида ўткир ичак инфекциялари ташхиси билан даволанган беморларда касалликнинг этиологик омилени ПЗР усули ёрдамида тасдиқланганлиги, кўзғатувчининг МКД ларга нисбатан турғунлилик даражасини баҳолаш ва унга боғлиқ равишда касалликни даволаш алгоритмининг такомиллаштиришнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Самарқанд вилоятида рўйхатга олинган ўткир ичак инфекциялари орасида сальмонеллэзнинг улушини аниқланганлиги, беморлардан ажратиб олинган сальмонелла штаммларининг МКД ларга нисбатан турғунлиги ўрганилганлиги, замонавий босқичда болаларда сальмонеллэз 2 тадан 5 тагача патоген микроорганизмлар ассоциациясида кечиши ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ўткир ичак инфекцияларининг этиологик омилени тасдиқлашда ПЗР дан фойдаланиш касалликка эрта ташхис қўйиш, кўзғатувчининг МКД ларга нисбатан турғунлигини ўрганиш орқали даволаш чораларини ўтказиш орқали такомиллаштириш, замонавий босқичда сальмонеллэз бошқа патоген

микроорганизмлар ассоциациясида кечишининг клиник хусусиятларини ўрганиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Салмонелла турига ва клиник кўринишларига боғлиқ тарзда антимиқроб препаратларни рационал қўллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: илк бор Самарқанд вилоятида рўйхатга олинган ЎИИ ларининг фақат 1:7 қисмининг этиологик омили бактериологик текширув усули ёрдамида тасдиқланиши, этиологик омили тасдиқланган ичак инфекцияларининг ўртача 3,6% ни сальмонеллэз инфекцияси ташкил қилиши асосланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 7 майда 95-сон билан тасдиқланган «Сальмонеллэз касаллигининг оқибатлари шаклланишини башоратлашда эндоген интоксикация кўрсаткичлари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Сирдарё вилояти юқумли касалликлар шифохонаси бўйича 10.07.2024 йилдаги 342-сон ҳамда Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий тиббиёт маркази Қашқадарё филиали бўйича 14.08.2024 йилдаги 104-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 22 октябрдаги 07/42-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ўтқир ичак инфекцияларининг этиологик омилини тасдиқлашда ПЗР дан фойдаланиш, кўзғатувчининг МКД ларга нисбатан турғунлигини ўрганиш сальмонеллэзнинг бошқа патоген микроорганизмлар ассоциациясида кечишининг клиник хусусиятларини аниқлашга ва шу орқали касалликка эрта ташхис қўйиш, даволаш чораларини ўтказишни такомиллаштиришга имкон берган. Иқтисодий самарадорлиги: эндоген интоксикациянинг кўрсаткичлари бўлган С-реактив оқсил, ўрта молекуляр оғирликдаги пептидлар, АЛТ маълумотларини прогностик маркер сифатида қўллаш касалликнинг узок муддатли шаклининг ривожланишини олдини олишга, юқумли касалликлар бўлимларида ётоқ кунларини камайтиришга имкон беради ва шу асосда ҳар бир беморга даволаниш курси учун 1024186 сўм миқдорида маблағ иқтисод қилинади.

иккинчи илмий янгилик: 2018-2023 йил оралиғида Самарқанд вилоятида сальмонеллэз билан даволанган беморлардан ажратиб олинган *Salmonella* spp. штамлари β-лактамларга (жумладан цефалоспоринларнинг 3-4 авлодига) нисбатан турғун TEM ва CTX-M генетик оилаларидаги β-лактамазани ишлаб чиқарилиши билан боғлиқлиги, штаммларнинг деярли 96,0% бир хил резистентлик генотипига эгаллиги исботланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 7 майда 95-сон билан тасдиқланган «Сальмонеллэз касаллигининг оқибатлари шаклланишини башоратлашда эндоген интоксикация кўрсаткичлари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Сирдарё вилояти юқумли касалликлар шифохонаси бўйича 10.07.2024 йилдаги 342-сон ҳамда Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий тиббиёт маркази

Қашқадарё филиали бўйича 14.08.2024 йилдаги 104-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 22 октябрдаги 07/42-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ўткир ичак инфекцияларининг этиологик омилени тасдиқлашда ПЗР дан фойдаланиш, кўзғатувчининг МКД ларга нисбатан турғунлигини ўрганиш сальмонеллэзнинг бошқа патоген микроорганизмлар ассоциациясида кечишининг клиник хусусиятларини аниқлашга ва шу орқали касалликка эрта ташхис қўйиш, даволаш чораларини ўтказишни такомиллаштиришга имкон берган. Иқтисодий самарадорлиги: эндоген интоксикациянинг кўрсаткичлари бўлган С-реактив оксил, ўрта молекуляр оғирликдаги пептидлар, АЛТ маълумотларини прогностик маркер сифатида қўллаш касалликнинг узок муддатли шаклининг ривожланишини олдини олишга, юқумли касалликлар бўлимларида ётоқ кунларини камайтиришга имкон беради ва шу асосда ҳар бир беморга даволаниш курси учун 1024186 сўм миқдорида маблағ иқтисод қилинади.

учинчи илмий янгилик: замонавий босқичда сальмонеллэз микст инфекция кўринишида 2 тадан 5 тагача патоген микроорганизмлар ассоциациясида учраши ҳамда патоген ассоциация сони ва болаларнинг ёши ўртасида тесқари, юқори, ОИТ зарарланиш тури ўртасида юқори, тўғри корреляцион боғлиқлик мавжудлиги асосланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 7 майда 95-сон билан тасдиқланган «Сальмонеллэз касаллигининг оқибатлари шаклланишини башоратлашда эндоген интоксикация кўрсаткичлари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Сирдарё вилояти юқумли касалликлар шифохонаси бўйича 10.07.2024 йилдаги 342-сон ҳамда Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий тиббиёт маркази Қашқадарё филиали бўйича 14.08.2024 йилдаги 104-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 22 октябрдаги 07/42-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ўткир ичак инфекцияларининг этиологик омилени тасдиқлашда ПЗР дан фойдаланиш, кўзғатувчининг МКД ларга нисбатан турғунлигини ўрганиш сальмонеллэзнинг бошқа патоген микроорганизмлар ассоциациясида кечишининг клиник хусусиятларини аниқлашга ва шу орқали касалликка эрта ташхис қўйиш, даволаш чораларини ўтказишни такомиллаштиришга имкон берган. Иқтисодий самарадорлиги: эндоген интоксикациянинг кўрсаткичлари бўлган С-реактив оксил, ўрта молекуляр оғирликдаги пептидлар, АЛТ маълумотларини прогностик маркер сифатида қўллаш касалликнинг узок муддатли шаклининг ривожланишини олдини олишга, юқумли касалликлар бўлимларида ётоқ кунларини камайтиришга имкон беради ва шу асосда ҳар бир беморга даволаниш курси учун 1024186 сўм миқдорида маблағ иқтисод қилинади.

тўртинчи илмий янгилик: сальмонеллэз билан касалланган болаларда касалликнинг оғирлик даражасини баҳолашда ҳамда микст (бактери-бактерия) инвазия ҳолатларини ташхислашда фекал кальпротектин қиймати

аҳамиятлилиги аниқланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 7 майда 95-сон билан тасдиқланган «Сальмонеллэз касаллигининг оқибатлари шаклланишини башоратлашда эндоген интоксикация кўрсаткичлари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Сирдарё вилояти юқумли касалликлар шифохонаси бўйича 10.07.2024 йилдаги 342-сон ҳамда Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий тиббиёт маркази Қашқадарё филиали бўйича 14.08.2024 йилдаги 104-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 22 октябрдаги 07/42-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ўткир ичак инфекцияларининг этиологик омилини тасдиқлашда ПЗР дан фойдаланиш, кўзғатувчининг МКД ларга нисбатан турғунлигини ўрганиш сальмонеллэзнинг бошқа патоген микроорганизмлар ассоциациясида кечишининг клиник хусусиятларини аниқлашга ва шу орқали касалликка эрта ташхис қўйиш, даволаш чораларини ўтказишни такомиллаштиришга имкон берган. Иқтисодий самарадорлиги: эндоген интоксикациянинг кўрсаткичлари бўлган С-реактив оксил, ўрта молекуляр оғирликдаги пептидлар, АЛТ маълумотларини прогностик маркер сифатида қўллаш касалликнинг узок муддатли шаклининг ривожланишини олдини олишга, юқумли касалликлар бўлимларида ётоқ кунларини камайтиришга имкон беради ва шу асосда ҳар бир беморга даволаниш курси учун 1024186 сўм миқдорида маблағ иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, ҳамда республика фан ва технологияларни ривожлантиришининг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгиллиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий

қилиш рўйхати, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сальмонеллэзнинг кечиши ва микробга қарши дори воситаларини рационал қўллашнинг замонавий қирралари**» деб номланган адабиётлар шарҳи бобида ўрганилаётган муаммонинг ҳолати тўғрисида замонавий тассавурларни акс эттирувчи хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг батафсил таҳлили келтирилган. Турли хил давлатларда спльмонеллэз билан касалланиш даражаси ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинган.

Ичак инфекцияларини оғирлик даражасини баҳолашда, касалликни этиологик омилини аниқлашда фекал кальпротектин кўрсаткичининг аҳамияти халқаро адабиётлар шарҳига асосланган ҳолда ёритилган.

Salmonella spp. гуруҳи қўзғатувчиларини микробларга қарши дори воситаларига нисбатан сезувчанлигининг таҳлили кенг ёритиб берилган. Бундан ташқари ушбу бобда, сальмонеллэз инфекциясини турига боғлиқ кечишининг дунё бўйича таҳлили ҳам келтирилган.


Диссертациянинг «**Сальмонелланинг тури ва клиник шаклига мувофиқ равишда микробга қарши дориларни рационал қўллашнинг материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот дизайни ва тадқиқот материаллари ҳамда усулларининг тавсифи келтирилган. Фойдаланилган тадқиқот усулларининг тўғрилиги ва ҳажмининг етарлиги тўғрисида маълумотлар берилган. Тадқиқотда фойдаланилган усуллар баён этилган. Самарқанд вилоятида 1991-2023 йилларда ўткир ичак инфекцияларининг учраш даражаси, уларнинг орасида тасдиқланган ва тасдиқланмаган ичак инфекцияларининг улуши, жумладан сальмонеллэз билан касалланишнинг динамикаси ва аҳамиятини ретроспектив эпидемиологик таҳлил этиш бўлганлиги туфайли Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасидан ўрганилаётган йиллардаги ўткир ичак инфекциялари билан касалланиш тўғрисидаги расмий маълумотлар олинган ҳамда ретроспектив таҳлил қилинган, яъни Самарқанд вилояти аҳолисининг ўткир ичак инфекциялари билан касалланиш жадаллиги, динамикаси, таркиби ҳамда уларнинг орасида сальмонеллэзнинг аҳамияти аниқланган. Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятида аниқланган сальмонеллаларнинг антибиотикларга нисбатан турғунлигини аниқлаш мақсадида эса, Самарқанд вилояти юқумли касалликлар шифохонасига ўткир ичак инфекциялари ташхиси билан мурожаат қилган 28 кундан 18 ёшгача бўлган 130 нафар болаларнинг нажасини ПЗР усулида текширилган ҳамда ўткир диареянинг эитологик омили аниқланган, ушбу беморларнинг 88 нафарида *Salmonella spp.* аниқланган ҳамда беморларда сальмонеллэз ташхиси тасдиқланган. Ушбу беморларнинг нажаси диск-диффузион усул ёрдамида антибиотикларга нисбатан турғунлиги ва сезувчанлиги ўрганилган.

Замонавий босқичда сальмонеллэзнинг клиник-лаборатор кечиш хусусиятларини аниқлаш мақсадида Самарқанд вилояти юқумли касалликлар шифохонасида даволанган, ПЗР усулида сальмонеллэз ташхиси тасдиқланган

88 нафар беморларнинг клиник белгиларининг учраш даражаси, лаборатор кўрсаткичларнинг миқдори *Salmonella spp.* моно ва микст инфекциялар шаклига боғлиқ равишда қиёсий таҳлил қилинди. Ушбу болалар нажасида ИФТ усули ёрдамида кальпротектин қиймати ўрганилди. Ушбу кўрсаткич қийматини сальмонеллэзнинг оғирлик даражаси, ошқозон-ичак трактини зарарланиш даражасига, микст-инфекция турига мувофиқ равишда таҳлил қилинди. Тадқиқотнинг рақамли материалларига «Microsoft Excel» 2021(XP) дастурини қўллаш орқали вариацион статистика усулида ишлов берилди. Бунда вариацион параметрик ва нопараметрик статистика ёрдамида ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик (M), ўртача квадратик оғиши, ўртачанинг стандарт хатолиги (m), нисбий катталиклар (даража, %) ҳисоблаб топилди. Тадқиқот гуруҳларида миқдорий ўртача катталикларни қиёслашда олинган силжишларнинг статистик аҳамияти Стьюдент мезонида (t) хатолик эҳтимолини (P) ҳисоблаш орқали аниқланди. Ишонарлилик даражаси ($p < 0,05$) бўлган миқдорий ўзгаришлар статистик аҳамиятли ҳисобланди. Ўрганилаётган гуруҳлар ўртасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлаш мақсадида корреляцион-регрессион таҳлил (Пирсон коэффиценти) тиббий статистик калькулятор ёрдамида (<https://medstatistic.ru/calculators>) ўтказилди. Сифат белгиларининг гуруҳлар ўртасидаги статистик ишонарли фарқини аниқлаш мақсадида имкониятлар нисбати (OR) аниқланди, бунда ушбу қийматнинг 95% максимал ва минимал ишонч интервали (CI) ўрганилди. Имкониятлар нисбати 5 гача бўлган ҳолатларда статистик ишонарлилик тўрт майдонли жадвалнинг таҳлили ёрдамида Фишернинг аниқ синамаси ёрдамида; 5 дан 10 гача бўлганда Йетес тузатиши билан χ^2 ; 10 дан юқори бўлган χ^2 билан баҳоланди.

Диссертациянинг «Самарқанд вилоятида рўйхатга олинган ўткир ичак инфекциялари орасида сальмонеллэзнинг аҳамияти (ретроспектив таҳлил)» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон Республикаси санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги марказининг 1991-2023 йиллар оралиғида Самарқанд вилояти бўйича рўйхатга олинган ЎИИ ҳолатларининг таҳлили келтирилган. Таҳлилга кўра, 1991 йилда Самарқанд вилоятида 100 000 аҳолига нисбатан 535,8 та ҳолат рўйхатга олинган бўлиб, касалланиш даражаси аста-секин пасайиб борган ҳамда 2003 йилга келиб 100 000 аҳолига нисбатан 84,5 та ҳолатни ташкил қилган. 2003 йилдан 2019 йилгача Самарқанд вилоятида рўйхатга олинган ЎИИ ларининг ҳолати тўлқинсимон кечишга мойил бўлган, аммо 100 000 аҳолига нисбатан 100 та ҳолатдан юқорига кўтарилмаган, аммо 100 000 аҳолига нисбатан 80 та ҳолатдан ҳам пастга тушмаган. 2020 йилда дунё бўйича кузатилган COVID-19 инфекциясининг пандемияси даврида ЎИИ билан касалланиш даражаси ҳам 231,1 та ҳолатдан кескин 63,8 та ҳолатга пасайган, аммо 2021 йилдан келиб яна 123,7 та ҳолатга кўтарилган, 2021 йилдан касалланиш даражаси кўтарилишга мойил бўлиб сўнги 24 йил давомида ҳеч ҳам кузатилмаган даражага етган (203,5 та ҳолат).

Ўрганилаётган йилларда ЎИИ ларининг тасдиқланган ва тасдиқланмаган ҳолатлари умумий касалланиш тенденциясида бўлган. 1991 йилда умумий касалланишнинг фақатгина 1:5 қисми бактериологик текширувда этиологик омили тасдиқланган, қолган ҳолатларда номаълум этиологияли ўткир диарея сифатида ташхисланиб, даволанган. 2003 йилда эса ушбу кўрсаткич 1:3 ни, 2019 йилда эса ЎИИ ларининг яна 1:5 қисми, 2023 йилда эса 1:7 қисмининг этиологик омили тасдиқланмаган (1-расм).




1-расм. Самарқанд вилоятида рўйхатга олинган ўткир ичак инфекциялари ҳолатларининг таҳлили (интен кўрсат.)


1992 ва 1993 йилларда Самарқанд вилоятида кузатилган ЎИИ ҳолатлари Республикада кузатилган ҳолатдан паст бўлган, қолган йилларда Республикада рўйхатга олинган ҳолатларнинг учраш тенденциясига мувофиқ равишда кузатилган, аммо Республикада кузатилган кескин кўтарилишлар ёки пасайишларда Самарқанд вилоятида кузатилган ҳолатлар силлиқ кечган, ҳаттоки пандемия вақтида Республикада кузатилган касалланишнинг кескин пасайиши Самарқанд вилояти учун хос бўлмаган, аммо Самарқанд вилоятида ҳам Республика каби 2021-2023 йилларда ЎИИ ларининг рўйхатга олиниш ҳолатлари ошишга мойил (2-расм).

1991-1995 йиллар оралиғида тасдиқланган ЎИИ лари орасида сальмонеллеларнинг аниқланиш даражаси ўртача 19,2% ни ташкил қилган, ўрганилаётган қолган йилларда эса сальмонеллеларнинг аниқланиш даражаси тасдиқланган ЎИИ ларининг ўртача 3,6% ни ташкил қилган (3-расм).

Олинган таҳлилдан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Самарқанд вилоятида ЎИИ ларининг учраш даражаси Ўзбекистон Республикасида кузатилган ҳолат каби кўтарилишга мойил бўлиб, рўйхатга олинган ЎИИ ларининг фақат 1:7 қисмининг этиологик омили бактериологик текширув усули ёрдамида тасдиқланмоқда, этиологик омили тасдиқланган ичак инфекцияларининг ўртача 3,6% ни сальмонеллелар инфекцияси ташкил қилади.




2-расм. Самарқанд вилоятида кузатилган ЎИИ ҳолатлари Ўзбекистон Республикасидаги ҳолатларга нисбатан қиёсий таҳлили



3-расм. Самарқанд вилоятида тасдиқланган ЎИИ лари орасида тасдиқланган сальмонеллезнинг улуши (мутлоқ қиймат)

Диссертациянинг “Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятида аниқланган ўткир ичак инфекцияларининг ПЗР натижалари ҳамда сальмонелланинг антибиотикларга нисбатан сезувчанлигини таҳлили” номли тўртинчи бобида 2018-2023 йиллар оралиғида Самарқанд вилоят юқумли касалликлар шифохонасига ўткир диарея ташхиси билан мурожаат қилган 28 кундан 18 ёшгача бўлган 340 нафар беморларнинг назорат таҳлили келтирилган. Болаларнинг барчасини нажаси бактериологик текширувдан ўтказилган, беморларнинг фақат 25 нафариди (7,4%) диареянинг этиологик омилни аниқланган. Улардан 2021 йилда *Salmonella spp.* – 2 та ҳолат; 2022 йилда, *Salmonella spp.* – 4 та ҳолат; 2023 йилда эса *Salmonella spp.* – 6 та ҳолат, қолган 92,6% ҳолатларда ўткир диарея номаълум этиологияли бўлиб қолган. Шунга қўра, биз 340 нафар беморлардан 130 нафарининг нажас намуналарини ПЗР усули билан текшириш амалиётини амалга оширдик, 123 (94,6%) нафар беморларда касалликнинг этиологияси аниқланди, бу текширув амалиётида негатив натижа 7 (5,4%) та ҳолатда аниқланди. ПЗР усулида этиологик омилнинг тасдиқланиш эҳтимоли бактериологик текширувга нисбатан

ишонарли равишда юқори бўлди (ИН=221,400; 95% ИИ=93,3-525,11; $\chi^2 = 331,938$).



4-расм. Самарқанд вилоят юқумли касалликлар шифохонасига 2018-2023 йиллар оралиғида ўткир диарея билан мурожаат қилган беморларнинг мавсумийлик даражасининг тахлили (мавсумийликнинг ўртача коэффицентига нисбатан кўрсаткич)

Ўрганилаётган йилларда касалланиш даражаси мавсумийликнинг ўртача коэффицентига яқин бўлган. Самарқанд вилоят юқумли касалликлар шифохонасига беморларнинг август ойида энг кўп мурожаати кузатилган, шу билан бир қаторда ўткир диарея билан беморларнинг мурожаати йилнинг барча ойларида кузатилган. Касалланиш даражаси фақат 2020 йилда мавсумийликнинг ўртача коэффицентидан чекланиши кузатилган. Бизнинг фикримизча, бу шу йилларда кузатилган COVID-19 инфекцияси билан боғлиқ пандемия ҳисобига бўлган.

Тадқиқотдаги 130 нафар намунадан 123 (94,6%) намуна ПЗР усули текширувида ижобий топилди, уларнинг 18 (13,8%) тасида моноинфекция, 2 та патоген ассоциациялари – 48 (36,9%), 3 та патоген ассоциациялари – 43 (33,1%), 4 та патоген ассоциациялари – 12 (9,2%), 5 та патоген ассоциациялари – 2 (1,5%) нафар беморларда аниқланди. Умуман, ЎД ташхиси қўйилган беморларнинг нажасида топилган муҳим патогенлар ассоциациялари 80,8% ни ташкил қилди. ЎИИ ларининг спорадик ҳолатлари кузатилган беморлардан олинган материалнинг ПЗР усули ёрдамида текширув ўтказилганида, аниқланган 301 та микроорганизмлар умумий қисмидан 30,8% (88) ҳолатини *Salmonella spp.*, *Shigella spp.* – 11,9% (34) ва *Campylobacter spp.* - 10,0% (28) каби патоген бактериялар ташкил қилади. Вирус этиологияли патогенлар эса 48,5% ҳолатларда аниқланди, жумладан *Norovirus* – 12,2% (35), *Adenovirus* – 10,5% (30), *Astrovirus* - 12,6% (36) ҳамда *Rotavirus* – 12,2% (35).

Тадқиқот гуруҳидаги 130 нафар беморлар ҳам олдинги йиллар каби, йил фаслидан қатъий назар, йилнинг барча ойларида касалхонага муурожаат қилишган, август ойида эса энг кўп муурожаат бўлган.

ЎИИ қўзғатувчилари бўлган патогенлар турини учраш даражаси бемор болаларнинг ёшига мувофиқ равишда тахлили 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Патогенларни тури бўйича тақсимланиши ва уларни беморлар ёши бўйича тақсимланиши (n=286)

Микроорганизмлар	Умумий сони		1 ёшгача n=29		1-5 ёш n=81		5-12 ёш n=13		12-18 ёш n=7	
	мутл	%	мутл	%	мутл	%	мутл	%	мутл	%
Патоген микроорганизмлар										
<i>Salmonella spp.</i>	88	30,8	17	30,9	52	29,1	12	35,3	7	38,9
<i>Shigella spp.</i>	34	11,9	6	10,9	19	10,6	8	23,5	1	5,6
<i>Campylobacter spp.</i>	28	9,8	5	9,1	20	11,2	2	5,9	1	5,6
Жами	150	52,4	28	50,9	91	50,8	22	64,7	9	50,0
Патоген вируслар										
<i>Adenovirus</i>	30	10,5	8	14,5	16	8,9	3	8,8	3	16,7
<i>Rotovirus</i>	35	12,2	6	10,9	24	13,4	2	5,9	3	16,7
<i>Astrovirus</i>	36	12,6	4	7,3	26	14,5	3	8,8	3	16,7
<i>Norovirus</i>	35	12,2	9	16,4	22	12,3	4	11,8	0	0,0
Жами	136	47,6	27	49,1	88	49,2	12	35,3	9	50,0
Жами микроорганизмлар	286		55		179		34		18	

Тахлилга кўра, ЎИИ ларининг қўзғатувчилари бўлган патоген бактериялар ва вирусларнинг учраш даражаси турли хил ёш гуруҳи бўйича статистик ишонарли фарқ кузатилмади ҳамда бактерияли патогенларнинг учраш диапазони 64,7% дан 50,0% гача, вирус этиологияли патогенларда эса 50,0% дан 35,3% гача бўлди. *Salmonella spp.* 38,9% ҳолатларда 12-18 ёш оралиғидаги ҳамда 35,3% - 5-12 ёш оралиғидаги болаларда кўп кузатилди. *Campylobacter spp.* эса мувофиқ равишда 9,1% ҳолатлардан 1 ёшгача ва 11,2% да 1-5 ёш оралиғидаги болаларда кузатилди. Аниқланган патоген вируслар орасида *Adenovirus* – 14,5% ва *Norovirus* 16,4% ҳолатларда 1 ёшгача бўлган болаларда, *Norovirus* – 12,3% ва *Astrovirus* – 14,5% ҳолатларда 1-5 ёш оралиғида, *Norovirus* – 11,8% ҳолатларда 5-12 ёш оралиғидаги болаларда кузатилди, аммо 12-18 ёш оралиғидаги болаларда кўпинча *Rotovirus*, *Astrovirus* ва *Adenovirus* авлодидаги вируслар мувофиқ равишда 16,7% ҳолатларда аниқланган. *Rotovirus* авлодидаги вирусни 1 ёшгача ва 12 ёшгача бўлган бўлган болалар гуруҳида кам учраши Ўзбекистон Республикасининг эмлаш календарига *Rotovirusga* қарши вакцинани киритилиши билан боғлиқ.

ПЗР усули ёрдамида аниқланган етти нафар патогенлар орасида фақат 5 нафари моноинфекция кўринишида учради, уларнинг орасида иккита бактериал патогенлар генининг детекцияси *Salmonella spp.* – 7 (39,8%) ва

Campylobacter spp. – 3 (16,7%) ҳамда учта вирус этиологияли патоген генининг детекцияси *Rotovirus* – 5 (27,8%), *Astrovirus* – 1 (5,6%), *Norovirus* – 2 (11,1%) кузатилди. Иккита патогенлар ассоциацияси қуйидагича комбинацияларда келди: бактерия + бактерия – 8,3% (иккита вариант), бактерия + вируслар – 81,3% (8 та вариантда) ва вируслар + вируслар – 10,4% (2 та вариантда). Бактерия + бактерия комбинациясидаги иккита патогенлар ассоциацияси 4,2% ҳолатлардан 1 ёшгача ва 1-5 ёш оралиғидаги болалар гуруҳида кўп кузатилди. 5-12 ёш оралиғидаги ва 12-18 ёш оралиғидаги болалар гуруҳида бактерия + бактерия комбинациясидаги 2 та патогенлар ассоциацияси кузатилмади. Бактерия + вируслар комбинациясидан иборат 2 та патогенлар ассоциацияси барча ёш гуруҳига хос бўлди, патогенлар генининг детекция сони 1 ёшдан 5 ёшгача бўлган болаларда юқори бўлди – 47,9%, 1 ёшгача бўлган болаларда – 16,7% ҳамда 8,3% дан 5 ёшдан 12 ёшгача ва 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар гуруҳида кузатилди. Вируслар + вируслар комбинациясидаги 2 та патогенлар ассоциацияси фақатгина иккита ёш гуруҳларида кузатилди: 1 ёшгача бўлган болалар ҳамда 1 ёшдан 5 ёшгача бўлган болаларда мувофиқ равишда 6,3% ва 4,2% ҳолатларда кузатилди. Шундай қилиб, болалар ёш гуруҳларида 2 та патогендан иборат ассоциацияларни учраши даражаси ва спектри бўйича фарқ қилди. Масалан, 2 та патогенлар ассоциациясининг барча турлари 1 ёшдан 5 ёшгача бўлган болалар гуруҳида кўп учраган бўлса, 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар гуруҳларида кам кузатилди.

Биз, 3 та патогендан иборат ассоциациянинг таркиби ва миқдорини таҳлил этдик, олинган маълумотларга кўра, ЎИИ ташхиси бўлган 130 нафар беморларнинг 33,1% да 3 та патогендан иборат ассоциация аниқланди. 16 хил комбинациядан иборат 3 та патогенлар ассоциацияси қуйидагича тақсимланди: бактерия + бактерия + бактерия, бактерия + бактерия + вируслар, бактерия + вируслар + вируслар ва вируслар + вируслар + вируслар, уларнинг учраш даражаси мувофиқ равишда – 7,0%, 51,2%, 39,5% ва 2,3% ҳолатларни ташкил қилди. 3 та патогенлар ассоциацияси беморларнинг ёшига мувофиқ равишда таҳлил қилинганида, 3 та патогенлар ассоциацияси асосан 1 ёшдан 5 ёшгача бўлган болалар гуруҳида 14 хил комбинацияда учради, 1 ёшгача бўлган болалар гуруҳида 6 хил комбинацияда, 5 ёшдан 12 ёшгача болаларда 5 хил комбинацияда ҳамда 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларда фақатгина икки хил комбинацияда кузатилди. Шундай қилиб, 43 нафар беморларда 3 та патогендан иборат ассоциация 16 хил комбинацияда кузатилди. Уларнинг ёш бўйича тақсимланиши статистик ишонарли бўлмади.

Тадқиқот давомида беморларда 4 хил патогендан иборат ассоциация кузатилди ва бу 9,2% (11) ни ташкил қилди. Ушбу ассоциация асосан 1 ёшгача бўлган болалар гуруҳида кузатилди (6 хил комбинация). 1 ёшгача бўлган ЎИИ ташхиси қўйилган 2 нафар болаларда 5 хил патогендан иборат ассоциация аниқланди S+Sh+R+As+N. Шундай қилиб, ПЗР усулида олинган натижаларни ўрганиш натижасида олинган маълумотларни таҳлил қилиб, ўткир диарея келтириб чиқариши мумкин бўлган энтеропатогенлар хилма-хил микрофлорага эга бўлиб, натижада турли хил ёшдаги болаларни шифохонага ётишига сабаб бўлади.

Самарқанд вилояти юқумли касалликлар шифохонасида 2018-2023 йил оралиғида сальмонеллэз билан даволанган беморлардан ажратиб олинган *Salmonella spp.* штаммлари популяциясига микробга қарши дориларга (МКД), жумладан тиббиётда кескин аҳамиятли β -лактам (100,0%) ва фторхинолонларга (налидиксон кислотаси - 100,0%) нисбатан турғун штаммлар улушининг юқорилиги хос бўлди. *Salmonella spp.* штаммлари ўрганилган 12 та антибиотиклардан 10 тасига нисбатан турғун бўлиб, АМР/АМС/СХТ/САЗ/НА/СРМ/Т/С/СОТ/Г резистентлик фенотипига эғалиги аниқланди. *Salmonella spp.* штаммларини β -лактамларга (жумладан цефалоспоринларнинг 3-4 авлодига) нисбатан турғунлиги ТЕМ ва СТХ-М генетик оилаларидаги β -лактамазани ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ бўлиб, штаммларнинг деярли 96,0% бир хил резистентлик генотипига эғалиги аниқланди, бу эса қўзғатувчини клон кўринишида тарқалганлигидан далолат беради.

Salmonella spp. ташхисланган 88 нафар беморларнинг нажаси антибиотикларга нисбатан сезувчанлиги ўрганилганида, *Salmonella spp.* популяцияси деярли ўрганилаётган барча МКД га нисбатан турғун бўлди.

Бунда, тиббиётда аҳамиятли бўлган бета-лактам ва фторхинолонларга нисбатан турғун штаммларнинг улуши юқори бўлди. Ўрганилаётган штаммлар 78% дан 96% гача ҳолатларда ҳимояланмаган β -лактам антибиотикларга нисбатан турғун бўлди, бунда штаммлар юқори даражадаги турғунлик билан тавсифланди – ампициллинга нисбатан МИК50 ва МИК90, цефотаксим - 512 мкг/мл, цефтазидим 256 мкг/мл ни ташкил қилди. β -лактам антибиотиклар гуруҳидаги фақатгина карбапенемлар (имипенем, меропенем) *Salmonella spp.* га нисбатан 100,0% сезувчан бўлди. Тадқиқот гуруҳидаги 88 нафар болаларнинг 3 нафарида (3,45%) сальмонеллэзнинг энгил кечиши, 31,8% (28) ўртача оғир кечиши ҳамда 64,8% (57) га оғир кечиши баҳоланди. Сальмонеллэзнинг энгил кечиши кузатилган беморлар нажасидан ажратиб олинган *Salmonella spp.* изолятлари ўрганилаётган барча антибиотикларга нисбатан сезгир бўлди.

Касалликнинг ўртача оғир кечиши баҳоланган беморлар нажасидан ажратиб олинган *Salmonella spp.* изолятлари эса 100% дан ампициллинга, ампициллин/клавулан кислотаси ва налидиксон кислотасига, 90,2% - цефотаксим, 72,1%—цефтазидим, 83,6% - тетрациклин, 73,8% - хлорамфеникол, 57,4% - триметоприм-сульфаметоксазолга нисбатан турғун бўлди, аммо ушбу изолятлар гентамицинга – 83,6%, 100% ҳолатларда имипинем ва меропинемга нисбатан сезгир бўлди. Изолятларнинг 6,6% ципрофлоксацинга нисбатан турғун бўлган бўлса, 72,1% изолятлар ўртача сезгир бўлди, бу эса ципрофлоксацинга нисбатан сезгирликни аниқлашда минимал ингибирловчи концентрацияга (МИК) эътибор қаратиш зарурлигидан далолат беради.

Касалликнинг оғир кечиши баҳоланган беморлар нажасидан ажратиб олинган *Salmonella spp.* изолятлари ўрганилаётган 12 та антибиотиклардан 9 тасига 80-100% ҳолатларда турғун бўлди.

Сальмонелланинг ўрганилган штамлари орасида МКД ларга нисбатан кўплаб турғунликка эга фенотиплар устунлик қилди: барча штамлар 7 ва ундан ортиқ МКД ларга нисбатан турғунлик билан тавсифланди, бунда ушбу штамлар кенг спектрдаги бета-лактамаз ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган β -лактамазга нисбатан ҳам турғун бўлди.

Кўпинча ампициллин, амоксициллин/клавулан кислотас, цефотаксим, цефтазидим, цефепим, тетрациклин, хлорамфеникол, гентамицин, ко-тримоксазол, налидиксон кислотасига нисбатан турғун фенотиплар турли хил комбинацияларда учради (AMP/AMC/CXT/CAZ/NA/C/G, AMP/AMC/CXT/CAZ/NA/TE/C, AMP/AMC/CXT/NA/TE/C/COT, AMP/AMC/CXT/CAZ/NA/C/COT, AMP/AMC/CX/CAZ/NA/CPM/TE, AMP/AMC/CXT/CAZ/NA/TE/COT) ҳамда ушбу фенотиплар 29,5% ни ташкил қилди.

Изолятларнинг турғунлик фенотипларига боғлиқ маълумотларни касалликни оғирлик даражасига мувофиқ равишда таҳлил қилинди, унга кўра, сальмонеллез энгил кечган беморлар нажасидан ажратиб олинган *Salmonella spp.* изолятлари турғунлик фенотипига эга бўлмади. Аммо, касаллик оғир кечган беморлар нажасидан ажратиб олинган *Salmonella spp.* изолятлари 12 та ўрганилаётган антибиотикларнинг 10 тасига нисбатан турғун бўлди ҳамда қуйидаги турғунлик фенотипига эга бўлди: AMP/AMC/CXT/CAZ/NA/CPM/T/C/COT/G (2-жадвал).

Касалликнинг ўртача оғир кечиши ташхисланган беморлар нажасидан ажратиб олинган *Salmonella spp.* изолятлари 19 хил турғунлик фенотипларига эга бўлди. Шундай қилиб, *Salmonella spp.* микробга қарши дориларга, жумладан цефалоспоринлар ва фторхинолонларга нисбатан турғунлигини эътиборга олганда сальмонеллез инфекциясини даволашда самарадор антибиотикларни танлаш имконияти сезиларли торайган. Шунини таъкидлаш лозимки, фторхинолонларга нисбатан сезувчанликни аниқлашда ципрофлоксациннинг МИК дан фойдаланиш лозим, чунки диск-диффузион усулнинг ишонарлилик даражаси етарли эмас.

β -лактамазга нисбатан туруғун бўлган *Salmonella spp.* нинг 88 та штамларининг β -лактамазани кенг ва кенгайтирилган спектрда ишлаб чиқарилишига масъул ген детекцияси ўтказилди. Ўтказилган тадқиқотда β -лактамаза карбапенемаза ишлаб чиқарилишини кодловчи OXA-48, KPC, NDM генетик оиласига кирувчи генлар аниқланмади. *Salmonella spp.* барча ўрганилган штамларида β -лактамаза ишлаб чиқарилишини кодловчи CTX-M генетик оиласига кирувчи гени аниқланди (95,5%). Шу билан бир қаторда, ўрганилаётган штамларда TEM гени (68,2%) аниқланди, SHV гени эса аниқланмади. Ўрганилган штамлар β -лактамаза ишлаб чиқарилишини кодловчи TEM ва CTX-M генетик гуруҳларига кирувчи генларни бирга келиши билан тавсифланди. Ўрганилган 88 та штамнинг 60 тасида (68,2%) бир вақтнинг ўзида β -лактамазанинг иккита гени CTX-M ва TEM аниқланди (3-жадвал).

Salmonella spp. изолятларининг антибиотикларга нисбатан турғун фенотипларининг тахлили (n=88)

Турғун фенотиплар	Ижобий	
	мутлок	%
Жами сезувчан	3	3,45
1 ва ундан ортиқ МКД ларга нисбатан турғун бўлган штаммларнинг жами, улардан:		
- 2 та МКД га нисбатан Т/С	3	3,45
- 4 та МКД га нисбатан AMP/AMC/CXT/NA	4	4,5
- 5 та МКД га нисбатан, жами:	5	
улардан AMP/AMC/NA/T/C	2	2,3
AMP/AMC/CXT/CAZ/NA	3	3,45
- 6 та МКД га нисбатан: жами	15	
улардан AMP/AMC/CXT/NA/T/C	6	6,8
AMP/AMC/NA/CPM/T/C	2	2,3
AMP/AMC/CXT/NA/C/COT	3	3,45
AMP/AMC/CXT/CAZ/NA/T	2	2,3
AMP/AMC/CAZ/NA/T/COT	2	2,3
- 7 та МКД га нисбатан: жами	25	
улардан AMP/AMC/CXT/CAZ/NA/C/G	3	3,45
AMP/AMC/CXT/CAZ/NA/T/C	7	8,0
AMP/AMC/CTX/CAZ/NA/T/G	2	2,3
AMP/AMC/CXT/NA/T/C/COT	4	4,5
AMP/AMC/CXT/CAZ/NA/C/COT	2	2,3
AMP/AMC/CX/ CAZ/NA/CPM/T	3	3,45
AMP/AMC/CXT/CAZ/NA/T/COT	4	4,5
- 8 та МКД га нисбатан: жами	19	
улардан AMP/AMC/CXT/CAZ/NA/C/COT/G	5	5,7
AMP/AMC/CXT/CAZ/NA/CPM/T/C	3	3,45
AMP/AMC/CXT/CAZ/NA/TE/C/COT	11	12,5
- 9 та МКД га нисбатан AMP/AMC/CXT/CAZ/NA/T/C/COT/G	6	6,8
- 10 та МКД га нисбатан AMP/AMC/CXT/CAZ/NA/CPM/T/C/COT/G	8	9,1

Шундай қилиб, β -лактам антибиотикларга нисбатан турғунликни белгиловчи СТХ-М ва ТЕМ генлари турғун штаммларни аниқлаш маркери бўла олади.

Беморлар нажасидан ажратиб олинган *Salmonella spp.* штаммларида β -лактамаза ишлаб чиқарилишини кодловчи геннинг аниқланиш даражаси (n=88)

Генлар	Детекция натижалари			
	манфий		ижобий	
	мутлок	%	мутлок	%
bla _{CTX-M}	4	4,5	84	95,5
bla _{SHV}	88	100	0	0
bla _{TEM}	28	31,8	60	68,2
bla _{OXA-48}	88	100	0	0
bla _{KPC}	88	100	0	0
bla _{NDM-1}	88	100	0	0

Диссертациянинг “Замонавий босқичда сальмонеллэзнинг клиник кечиш хусусиятлари” номли бешинчи бобида ПЗР натижаларига асосланган ҳолда моно- ва микст инфекциялар гуруҳига, микст инфекциялар эса патоген сонига кўра гуруҳларга ажратилди ҳамда уларда касалликнинг клиник-лаборатор хусусиятлари ўрганилиб, натижалари келтирилган. Биринчи гуруҳни фақат *Salmonella enteritidis* ажратиб олинган 7 нафар болалар, иккинчи гуруҳни – 2 та патоген ассоциацияси бўлган 31 нафар беморлар, учинчи гуруҳни – 3 та патоген ассоциацияси бўлган 37 нафар беморлар, тўртинчи гуруҳни – 4 та патоген ассоциацияси бўлган 11 нафар беморлар ҳамда 5-гуруҳни – 5 та патоген ассоциацияси бўлган 2 нафар беморлар ташкил қилди.

